



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

5 (67) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

5 (67)

2024

Май

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 611.01/613.2

ТУРЛИ КИМЁВИЙ ТАРКИБЛИ ЕР ОСТИ СУВИ ИСТЕЪМОЛИ НАТИЖАСИДА БУЙРАКЛАРДА ЎЗГАРИШЛАР

Нуров Сарбоз Азим ўгли. <https://orcid.org/0009-0000-9026-6459>

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон, Бухоро ш,
Ғиждувон кўчаси, 23. info@bsmi.uz

✓ Резюме

Инсон ҳаёти мобайнида жуда кўплаб моддалар алмашинувининг зарарли ва кераксиз маҳсулотлари ҳосил бўлади. Бу маҳсулотлар тўқима хужайралари томонидан фойдаланилмайди ва албатта организмдан чиқариб юборилиши лозим бўлади. Бундан ташқари организм турли зарарли моддалардан, ёт моддалардан, доривор моддалардан, органик моддалардан, ортиқча сув ва тузлардан ҳолис бўлиши керак. Инсон чиқарув жараёнларида буйрақлар, ўпка, тери, ҳазм тизими, жигарлар иштирок этади. Чиқарув аъзоларининг асосий вазифаси организм ички муҳити тургорлиги доимийлигини таъминлашдан иборат. Айирув аъзолари доим бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бирининг фаолияти бузилиши бошқа айириш органининг фаолияти бузилишига сабаб бўлади.

Калит сўзлар: турли кимёвий таркибли ер ости суви, буйрақларда ўзгаришлар, ўпка, тери, ҳазм тизими.

ИЗМЕНЕНИЯ ПОЧЕК В РЕЗУЛЬТАТЕ УПОТРЕБЛЕНИЯ ПОДЗЕМНЫХ ВОД РАЗЛИЧНОГО ХИМИЧЕСКОГО СОСТАВА

Нуров Сарбоз Азим ўгли. <https://orcid.org/0009-0000-9026-6459>

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, улица
Ғиждувана, 23, Бухара, Узбекистан info@bsmi.uz.

✓ Резюме

В течение жизни человека образуется множество вредных и ненужных продуктов обмена веществ. Эти продукты не используются клетками тканей и должны быть выведены из организма. Кроме того, организм должен быть свободен от различных вредных веществ, посторонних веществ, лекарственных веществ, органических веществ, избытка воды и солей. В процессах выделения человека участвуют почки, легкие, кожа, пищеварительная система, печень. Основная задача органов пищеварительной системы — обеспечение стабильности внутренней среды организма. Органы пищеварительной системы всегда связаны друг с другом, и нарушение работы одного из них вызывает нарушение работы другого органа пищеварительной системы.

Ключевые слова: подземные воды различного химического состава, изменения почек, легких, кожи, пищеварительной системы.

CHANGES IN THE KIDNEYS AS A RESULT OF CONSUMPTION OF UNDERGROUND WATER WITH DIFFERENT CHEMICAL COMPOSITION

Nurov Sarboz Azim o'g'li <https://orcid.org/0009-0000-9026-6459>

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, 23 G'iduvan Street, Bukhara,
Uzbekistan. info@bsmi.uz

✓ *Resume*

During human life, many harmful and unnecessary products of metabolism are formed. These products are not used by tissue cells and must be removed from the body. In addition, the body should be free from various harmful substances, foreign substances, medicinal substances, organic substances, excess water and salts. Kidneys, lungs, skin, digestive system, liver are involved in human excretion processes. The main task of the organs of the digestive system is to ensure the stability of the body's internal environment. The organs of the digestive system are always connected with each other, and the malfunction of one of them causes the malfunction of another organ of the digestive system.

Key words: underground water with different chemical composition, changes in kidneys, lungs, skin, digestive system.

Долзарблиги

Тирик организмга ҳар қандай ташқи физик, кимёвий ва биологик таъсирлар ушбу организм аъзолари тузилиши, функцияси ўзгаришига олиб келади. Натижада, организм компенсатор-мოსлашув механизмлари доирасида клиник-лаборатор параметрлар, жумладан аъзолар морфологиясини ўзгартириш орқали жавоб беради. Ташқи таъсирлар орасида ҳозирги замонда энг кўп учраётган таъсирлардан бири бу турли хил таркибли истеъмоли қилинаётган сувлардир, сувнинг керагидан ортиқ миқдордаги тузлар, макро ва микро элементлар, кимёвий ва биологик таркиби организм аъзо ва тизимларига салбий таъсир кўрсатиши исботланган. «Ер ости сувлари истеъмоли натижасида буйракда кечадиган морфо-функционал ўзгаришлар организмнинг патологик ҳолати бўлиб, кимёвий элемент ва бирикмаларнинг максимал йўл қўйилган меъёрларидан юқори дозалари таъсирида келиб чиқади». Юқори кимёвий таркибли сувларнинг истеъмоли таъсирида организмдаги ўзгаришлар, шу жумладан аъзолар морфологик хусусиятлари ҳамда юқори кимёвий таркибли ер ости сувлар таъсирини камайтириш бўйича даволаш-профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Дунёда ҳозирги кундаги етакчи илмий марказлар тадқиқотчи-олимлари юқори кимёвий таркибли ер ости сувларнинг организмга таъсир қилиш максимал дозалари, уларнинг организмда қайтар ва қайтмас патологик жараёнлар келтириб чиқариш муддатлари, юқори кимёвий таркибли ер ости сувларнинг организм тизим ҳамда аъзоларига таъсир даражаси, истеъмоли қилиш учун сувларни тозаловчи воситалар ишлаб чиқариш ва ишлатиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, натижаларини эълон қилганлар. Бундан ташқари, юқори кимёвий таркибли ер ости сувлар натижасида буйракда морфо-функционал ўзгаришларга олиб келади. Қон айланишининг бузилиши кўплаб клиник синдромларга асосланган, патогенетик жиҳатдан турли таъсир мунособатларига чамбарчас боғлиқ ҳолда кузатилади.

Юқори кимёвий таркибли ер ости сувларнинг организм ички аъзоларига таъсири натижасида шаклланган морфологик ўзгаришлар ҳам ўрганилган бўлиб, биофаол қўшимчалар таъсири бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари чоп этилган. Аммо, юқори кимёвий таркибли ер ости сувлар таъсирида буйракда юзага келадиган морфологик ўзгаришлар, уларга биофаол қўшимчалар билан янги даво-профилактик таъсир даражаси ўрганилмаган, морфологик ўзгаришлар даражасига биофаол қўшимчаларнинг таъсир даражаси кўрсатиб берилмаган.

Тадқиқот илмий мақсади: Турли кимёвий таркибли ер ости суви истеъмоли натижасида буйраклардаги ўзгаришларни ўрганиш.

Материал ва усуллар

Бажарилган барча тажрибавий тадқиқотлар диссертация иши мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, режалаштирилди, тадқиқот охиригача режадан четлашишга мажбур қиладиган ҳолатлар кузатилмади.

Барча тадқиқотлар биз томондан 3 босқичда олиб борилди:

Биринчи босқичда тажриба ўтказиладиган виварий танланди, пластик қафаслар тайёрланди, ҳайвонларни боқиш учун озик-овқат маҳсулотлари харид қилинди. Тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида материал-техник база тайёрланди, оптимал услубий база танланди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Этик қўмитадан лаборатория ҳайвонларида тажрибалар ўтказиш учун ёзма рухсатнома олинди. Оқ зотсиз каламушлар ичидан эркаклари танлаб олиниб, 21 кун карантинда тутилиб, уларда патологиялар

йўқлигига ишонч ҳосил қилинган, тажрибаларга киришилди. Урғочи каламушларда балоғат ёшига етганда репродуктив фаолият билан боғлиқ ўзгаришлар бўлиши мумкинлиги натижаларнинг ҳаққоний бўлишига ҳалақит бериши учун улар тажрибаларга жалб қилинмади. Шундан сўнг лаборатория ҳайвонлари гуруҳларга тақсимланди, гуруҳлар бир бирига репрезентатив бўлди, тадқиқотлар рандомизацияланган бўлди.

Иккинчи босқичда лаборатория ҳайвонлари гуруҳларига қараб, тажрибаларга жалб этилди. Тажиба ҳайвонлари 2 гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳда “Қушқўнмас” препарати (биопрепарат) ва иккинчи гуруҳда “Лимонли сув” каламушлар оғирлигига мос шу тажрибаларга учун биз тавсия этган усулда уларга “пер орал” берилди, бошқача айтганда ушбу препарат каламушлар овқатига қўшиб, ҳар эрталаб бир марта берилди.

Учинчи босқичда тажрибалар яқунланди, бунинг учун ер ости суви истеъмол қилган лаборатория ҳайвонларида биокоррекция яқунлангандан сўнг 6 ойда, оқ зотсиз каламушлар этик тамойилларга риоя қилган ҳолда жонсизлантирилди, морфологик текширишлар учун улар буйрагидан бўлакчалари олинди. Тадқиқотлар Бухоро давлат тиббиёт институти патологик анатомия кафедраси базасида давом эттирилди. Тажрибалар тугагач, барча жонсизлантирилган лаборатория ҳайвонлари утилизация қилинди. Тажрибани бажариш жараёнида биологик хавфсизлик қоидалари ва лаборатория ҳайвонлари билан ишлашнинг этик тамойилларига қатъий риоя этилди.

Шундан сўнг олинган маълумотлар тизимланди, статистик ишланди, талқин ва таҳлил қилинди. Натижалар тегишли жадваллар, диаграммалар кўринишида тайёрланди, ёзилди, диссертация ҳолатига келтирилди, ушбу ишни ёзиш муаллиф томонидан илмий раҳбарнинг бевосита назорати остида амалга оширилди.

Тадқиқотга олинган сувларнинг таркиби ва хусусиятлари.

Ичимлик суви бутун дунё стандартлари бўйича озик-овқат маҳсулоти сифатида таснифланади ва у бизнинг уйимизга киришдан олдин, инсон саломатлиги учун хавфсизликка риоя қилиш учун сув таъминоти манбасидан лаборатория синовларига қадар мураккаб йўлни босиб ўтади.

Ичимлик суви таъминоти манбасини танлашда, биринчи навбатда, табиий сувнинг кимёвий ва микробиологик таркиби санитария-гигиена талабларига мувофиқ фойдаланишга топширилгунига қадар икки йил давомида мавсумлар бўйича ўтказилган лаборатория таҳлили асосида баҳоланади.

Сувнинг сифати кўрсаткичлари давлат стандарти ЎЗДСт 951:2011 “Марказлаштирилган хўжалик-ичимлик суви билан таъминлаш манбалари, гигиеник, техникавий талаблар ва танлаш қоидалари” талабларига жавоб бериш шарт. Танлаган манбалардаги сувнинг сифати Ўзбекистон Республикаси давлат стандартининг руҳсат этилган максимал концентрацияга тўғри келадиган бўлиши керак.

Ушбу тадқиқотлар ҳар куни аҳоли саломатлиги учун сувнинг хавфсизлигини тасдиқлаш ва турли юқумли касалликларнинг мавжуд эмаслигини кафолатлаш учун лабораторияларда ўтказилади. Шу билан бирга, лабораторияларда сув таркибини ўлчашнинг стандарт усуллари ва ушбу соҳадаги санитария қоидаларига амал қилинади.

Лабораториянинг малакали мутахассислари сувни тўғридан-тўғри сув таъминоти тармоқларига юборгандан сўнг, унинг сифатини мунтазам назорат қилиб боришади. ЎЗДСт 950:2011 “Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш” стандартига киритилган кўрсаткичлар бўйича сувда: микробларнинг умумий сони, *Esherihа Coli* гуруҳидаги бактериялар сони, таъм, ҳид, ранг, лойқалиги, кальций, магний, азот бирикмаларининг асосий тузлари, сувни зарарсизлантиришдан кейин қолдиқ хлор аниқланади.

Шу билан бирга, лабораторияларда ҳар ой сув манбалари ва сув тармоқларига юбориладиган ичимлик сувининг кимёвий таркибини оғир металллар, фторидлар, хлоридлар, сульфатлар ва органик бирикмаларнинг тузлари учун таҳлил қилинади ва қўшимча минтақавий СЭС бош шифокори билан келишилган ҳолда йилига камида 1–2 марта радиологик кўрсаткичлар бўйича тадқиқотлар ўтказилади.

Кимёвий муҳандислар, бактериологлар, лаборатория ёрдамчилари ва намуна олувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан сув манбалари ва сув тармоқларига юбориладиган ичимлик сувининг сифатини текширганда 45га яқин кўрсаткичларни сув таъминоти корхоналарининг марказий ва ичимлик сувини тайёрлаш иншоотидаги объект лабораториялари асосида назорат қилинади.

Хлорлаш станциядаги оператор томонидан сув таъминоти тизимига киришдан олдин қолдиқ хлор таркиби ҳар соатда кузатиб борилади.

Стандарт билан тартибга солинадиган барча таҳлил турлари бўйича кўрсаткичларни мониторинг қилиш учун 60 га яқин коммунал лабораторияларнинг кўп йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, қисқартирилган, умумий физик-кимёвий, махсус токсикологик, радиологик далиллар республикамиздаги марказлаштирилган сув таъминоти ичимлик суви эриган моддалар, металл тузлари ва энг оғир металлларнинг таркибидаги меъёрларга жавоб беради.

Коммунал аналитик лабораториялари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати органлари билан доимий ҳамкорликда фаолият олиб боради. Мунтазам равишда ичимлик суви сифатининг асосий кўрсаткичлари бўйича танлаб олиш ишлари олиб борилади. Шунингдек, “Ўзстандарт” агентлигининг ҳудудий органларидан тадқиқотлар ўтказиш ҳуқуқини берувчи аттестация гувоҳномасига эга.

Natija va tahlillar

“Лимонли сув” ажойиб антиоксидант маҳсулотдир. Витамин ва минераллар етишмаслигини тўлдириш, организмни токсинлардан тозалаш, метаболизмни нормаллаштириш ва қонда холестерин даражасини пасайтириш, организмнинг инфекцияларга чидамлилигини ошириш, вазни барқарорлаштириш, фаолликни ошириш ва ёшликни узайтириш учун ишлатилади.

Унинг таркибида деярли максимал даражада ассимиляция қилинадиган 60-75% протеин, шунингдек макроэлементлар (К, Na, Mg, Ca, P), микроэлементлар (Se, Fe, Mn, Co, Cu, Zn, Mo, Ni) мавжуд. Витаминлар (Е ва В гуруҳи), кўп тўйинмаган ёғли кислоталар, антиоксидантлар, ферментлар, нуклеин кислоталар ва ўсимлик пигментлари (хлорофил, каротиноидлар ва фикосинин). Лимонли сувнинг шифобахш хусусиятлари жуда кўп бўлиб, айниқса унинг таркибидаги фитостерол моддаси коллаген синтезини стимуллаши ҳисобига яллиғланиш жараёнини камайтиради ва Лимонли сув моддаси эса буйрак кон томир тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам, биз ўзимизнинг тажрибамизда Лимонли сув антиоксидант препаратидан фойдаландик. Ер ости сувлари истеъмоли натижасида оқ зотсиз каламушларга 3 ой давомида ҳар кун бир вақтда 1 таблеткадан Лимонли сув препаратини ҳазм қилиш тизими орқали юборилди ва натижаси таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг учинчи қисми антиоксидантлар билан коррекциялаш фонидида ер ости суви истеъмоли натижасида каламушларнинг буйраги ва нефрони морфологиясини ўрганишга бағишланган.

Ер ости суви истеъмоли билан бир вақтда антиоксидант билан коррекциялашни қўллаш эксперимент ҳайвонларнинг барча ўрганилган параметрларига ижобий ўз таъсирини кўрсатди.

Бунда қуйидаги маълумотлар олинди: антиоксидант билан коррекциялаш фонидида ер ости суви истеъмоли натижасида тажриба гуруҳининг 3 ойлик каламушлари тана вазни 170,96 гр дан 194,64 гр гача, ўртача - $182,79 \pm 2,87$ гр гача, бу экспериментнинг 2-гуруҳи билан таққослаганда 7,47% га кўп, аммо 1-гуруҳга нисбатан 2,48% га кам.

Ер ости суви истеъмоли билан бир вақтда антиоксидантлар билан коррекциялаш қабул қилган 3 ойлик каламушларнинг буйраги визуал равишда баҳолаганда, ташки тузилиши жиҳатидан тажрибадаги 1 ва 2-гуруҳдаги ҳайвонлардан фарқ қилмади.

Бунда буйракларнинг мутлоқ оғирлиги 933,72 мг дан 1250,56 мг гача, ўртача $1092,13 \pm 4,25$ мг ни ташкил этди, бу экспериментнинг 2-гуруҳига нисбатан 7,28% кўпроқ, ўнг буйракнинг узунлиги 15,49 мм дан 17,43 мм гача, ўртача - $16,46 \pm 0,37$ мм, тажрибанинг 2-гуруҳига нисбатан 5,03% га кўп, кенглиги - 7,79 мм дан 10,18 мм гача, ўртача - $8,82 \pm 0,43$ мм, тажрибанинг 2-гуруҳга нисбатан 4,19% га кўпроқ, қалинлиги 7,74 мм дан 8,81 мм гача, ўртача - $8,27 \pm 0,63$ мм, тажрибанинг 2-гуруҳи билан таққослаганда 4,34% кўпроқ; бу ҳолда ўнг буйрак ҳажми $936,96 \text{ мм}^3$ дан $1563,22 \text{ мм}^3$ гача, ўртача $1200,61 \pm 17,23 \text{ мм}^3$ гача, бу эса тажрибанинг 2-гуруҳига нисбатан 16,24% га кўпдир.

Олинган маълумотларни ер ости суви истеъмоли билан бир вақтда антиоксидантлар билан коррекциялаш қабул қилган 3 ойлик каламушлар ва экспериментнинг 1-гуруҳидаги 3 ойлик каламушлар кўрсаткичлари билан таққослаганда буйракларнинг мутлоқ оғирлиги 1,05% га, ўнг буйракнинг узунлиги 3,07% га, кенглиги 3,49% га, қалинлиги 1,96% га ва ўнг буйрак ҳажми 4,87% га камайганлиги кўринади.

Эксперимент гуруҳининг антиоксидантлар билан коррекциялаш билан бир вақтнинг ўзида нурлантирилиши 3 ойлик каламушлар кортикал нефронларининг гистологик тузилишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ер ости суви истеъмоли билан бир вақтнинг ўзида антиоксидантлар билан коррекциялаш фонидида экспериментал гуруҳ 3 ойлик каламушларнинг буйрак пўстлоқ моддасини микроскопик текширишни визуал баҳолашда морфологик жиҳатдан 1-гуруҳ кортикал нефронларига қараганда сезиларли фарқлар аниқланмади (4-расм).

Ўтказилган гистоморфометрик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ер ости суви истеъмоли вақтида антиоксидант билан коррекциялаш экспериментал гуруҳи 3 ойлик оқ каламушларининг умумий буйрак таначалари майдони 2002.83 мкм² дан 2085.94 мкм² гача, ўртача - 2043.93 ± 16.34 мкм² ни ташкил этади, бу тажрибанинг 2-гуруҳига нисбатан 5.00% кўпроқ, томирлар коптокчасининг майдони 1680.91 мкм² дан 1735.59 мкм² гача, ўртача -1720,12 ± 43,37 мкм², бу тажрибанинг 2-гуруҳига қараганда 3,86% га кўп, капсула бўшлиғи майдони 671,47 мкм² дан 781,20 мкм² гача, ўртача 740,64 ± 37,18 мкм², бу эса экспериментнинг 2-гуруҳига нисбатан 6,97% га кўпроқ эканлигини кўрсатади.

Олинган маълумотларни ер ости суви истеъмоли билан бир вақтда антиоксидантлар билан коррекциялаш қабул қилган 3 ойлик каламушлар ва экспериментнинг 1-гуруҳидаги 3 ойлик каламушлар кўрсаткичлари билан таққослаганда буйрак таначаларининг умумий майдони 2,13% га, қон томир коптокчасининг майдони 1,87% га, капсула бўшлиғи майдони эса тажрибанинг 1-гуруҳига нисбатан 3,83% га кам эканлиги аниқланди.

Экспириментал гуруҳ 3 ойлик каламушларида антиоксидант билан коррекциялаш фонидида ер ости суви истеъмоли натижасидан сўнг, каламуш организмида аниқланган оғишлар тезда тикланиб, буйрак таначаси капилляр коптокча ва капсула бўшлиғи ҳисобидан тажрибадаги 2-гуруҳнинг кийматларига қараганда кўпроқ бўлиб қолди

Хулоса

Тажрибада 3 ойлик оқ каламушлар буйраги қаватлари морфологик кўрсаткичларини меъёрда ва ер ости суви истеъмолидан кейин ўзгаришлар вужудга келиши аниқланганидан далолат бериши исботланди. Ер ости суви истеъмолидан кейин жониворлар Буйрак қон томир тизимининг саломатлиги ҳолатига турли оғирлик даражасидаги оғишларга ривожланишига олиб келишидан дарак берган. Ер ости суви истеъмолидан кейинги ўзгаришлар буйрак фаолиятининг ишида бузилишлар бўлган барча ҳайвонларда «Лимонли сув» биологик фаол қўшимчаси билан биокоррекциялашда қуйидаги ўзгаришлар қайд этилган: Буйрак иш фаолиятининг частотаси касалликнинг бошланғич босқичларида 19,4% дан якуний босқичларида 81,5% гача ортди.

ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Ibrohimov K. I. Chorvachilik Komplekslari Xodimlarining Ish Sharoitlari. Brusellyoz Kasalligi Bilan Kasallanish Ko'rsatkichlari //Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali. 2022;20-23.
2. Ibrohimov K. I. Hygienic Assessment of Microclimate Indicators in the Main Departments of the Livestock Complex //International Journal of Studies in Natural and Medical Sciences. 2023;21-25.
3. Nurov A.S. Changes in taste and food intake during the menstrual cycle_//Science and innovation, 2022;251-253.
4. Nurov A.S. Causes of Rational Eating Disorders in Children and Adolescents //American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences. American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences, 2023;236-239.
5. Nurov A.S. Current Problems in Providing the Population with Clean Drinking Water //American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences. American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences, 2023;240-242.
6. Nurov A.S. The Role of Water in the Spread of Infectious and Non-Infectious Diseases //American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences. American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences 2023;243-245.
7. Nurov A.S. Existing Problems in Providing the Population With Drinking Water Through Underground Water Sources //Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali, 2023;77-79.
8. Uktamovich K. O. Clinical and therapeutic nutrition //European journal of modern medicine and practice, 2023;42-44.
9. Uktamovich K. O. Diets of Altered Consistency. //Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali, 2023;81–84.
10. Jumaeva A.A., Qodirov O.O`. Hygienic bases of the organization of children's nutrition. //Central asian academic journal of scientific research ISSN: 2181-2489 ISSUE 6 | 2022;2:264-268.
11. Uktamovich K. O. Ecological Approaches to Human Nutrition. //Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali, 2022;251-254.
12. Uktamovich K. O. Impact of Ecology on Health. //Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali, 2022;255-257.

Қабул қилинган сана 20.04.2024